

«Ўзбекинвест» ЭИСК» АЖ

90 -сонли БУЙРУҚ

2022 йил «13» 05

Тошкент шаҳри.

Жамиятнинг марказий аппарат штат тузилмаси ўзгариши муносабати билан, Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги ЎРҚ-684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни (20-модда) талабларига риоя этилишини таъминлаш ва Давлат харидларини амалга оширишнинг танлов усулларида холис баҳолаш, ғолибни (ғолибларни) аниқлаш ва харид қилиш тартиб-тамомойилларининг сифатини ошириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлигининг тушунтиришидан келиб чиқиб (14.04.2022й. 1740-сонли топшириқ),

**БУЙУРАМАН:**

1. Жамиятнинг доимий харид комиссияси тарикиби қуйидаги тахрирда қайта тасдиқлансин:

- Комиссия раиси:** - Бош директорнинг биринчи ўринбосари  
(Халиков Р.Б.)
- Комиссия раиси ўринбосари:** - Молия директори (Латипов С.И.)
- Комиссия аъзолари:**
- Корпоратив мижозлар билан ишлаш ва ҳудудий ривожлани департаменти Бош менежери (Мирзоев С.Ф.);
  - Стратегик ривожланиш ва сифатни бошқариш департаменти Бош менежери (Абдуллаев А.Р.);
  - Юридик Департамент Бошлиғи (Каршибаев Р.К.);
  - Ички аудит хизмати бошлиғи (Абдухалилов Ш.М.)
- Комиссия котиби:** - Давлат харидлари бўйича мутахассис (Горбунов К.А.)

2. Доимий харид комиссияси ишининг асосий мақсади этиб, буюртмага мувофиқлик даражасига кўра, иштирокчиларнинг таклифини холисона баҳолаш ва тартибга солиш ҳамда ғолибни (ғолибларни) танлов асосида аниқлашдан иборатлиги белгилансин.

Харид комиссияси фаолияти жадаллаштирилишини таъминлаш вазифаси харид комиссиясининг котибига юклатилсин.



**3. Харид комиссиясининг вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:**

- харид хужжатларини мувофиқлаштириш;
- таклифларни қабул қилиш муддатларини белгилаш;
- таклифларни очиш тартибини белгилаш;
- таклифларни баҳолаш мезонлари ва услубларини белгилаш;
- зарур бўлган ҳолатларда таклифни тақдим этиш тартиби, шакли, ҳажмини белгилаш;
- харид тамойиллари иштирокчиларининг таклифларини очиш;
- харид қилиш хужжатларида акс этган бўлса, зарур бўлган вазиятда дастлабки саралаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- дастлабки саралаш натижаларини эътиборга олган ҳолда қарор қабул қилиш;
- зарур бўлса, баҳоловчи гуруҳни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Қонунга асосан харид тамойилларини амалга ошириш;
- ғолибни аниқлаш ва зарур бўлганда, рақобатчи харид тури танловидан захира ғолибини танлаш ёки харид танловини ўтказилмаган деб белгилаш.

**4. Харид комиссияси томонидан товарлар, ишлар ва хизматлар учун ҳақ тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш учун Бош директорга тақдим этиладиган барча хужжатлар, Коррупцияга қарши кураш, ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш бўйича департамент Бош менежери **А.Ё.Абдуллаев** билан келишилган ҳолда киритилиши таъминлансин.**


**5. Мазкур буйруқ қабул қилиниши билан Компаниянинг 12.08.2019 йилдаги №151- сонли Буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.**

**6. Котибият Хайдарова К.Ш. мазкур буйруқни тарқатиш варағига мувофиқ Жамиятнинг тегишли таркибий тузилмаларига етказилиши таъминлансин.**

**7. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш Бош директорнинг биринчи ўринбосари **Р.Халиков** зиммасига юклатилсин.**

*Асос: Ўзбекистон республикаси Коррупцияга қарши кураш Агентлигининг 14.04.2022й.даги 1740-сонли топшириғи*

**Бош директор**




**Р.Азимов**



**Киритилди:**

Давлат харидлари бўйича мутахассис  
Комиссия котиби



К.Горбунов


**Келишилди:**

Бош директор биринчи ўринбосари



Р.Халиков

Коррупцияга қарши ички назорат  
ва ҳавфсизликни таъминлаш департаменти  
Бош менежери



А.Абдуллаев

Молия директори



С.Латипов

Юридик департаменти Бошлиғи



Р.Каршибоев

должность в закупочной комиссии	по приказу № 151 от 12.08.2019г.	предлагаемый вариант с учетом письма Агентства по противодействию коррупции РУз
Председатель комиссии	<b>Абдуллаев А.Ё</b> - Главный менеджер Компании по безопасности	<b>Халиков Р.Б.</b> - Первый заместитель Генерального директора
Заместитель председателя комиссии	<b>Латипов С.И.</b> - Финансовый директор	<b>Латипов С.И.</b> - Финансовый директор
Член комиссии	<b>Азимов К.</b> - Начальник административно-хозяйственной службы	<b>Абдухалилов Ш.М.</b> - Начальник службы внутреннего аудита
Член комиссии	<b>Мирзоев С.Ф.</b> - Главный менеджер Департамента развития региональной сети	<b>Мирзоев С.Ф.</b> - Главный менеджер Департамента по работе с корпоративными клиентами и развития региональной сети
Член комиссии	<b>Абдуллаев А.Р.</b> - Главный менеджер Департамента стратегического развития и управления качеством	<b>Абдуллаев А.Р.</b> - Главный менеджер Департамента стратегического развития и управления качеством
Член комиссии	<b>Каршибаев Р.К.</b> - начальник юридического департамента	<b>Каршибаев Р.К.</b> - начальник юридического департамента
Секретарь комиссии	<b>Горбунов К.А.</b> - специалист по закупке товаров	<b>Горбунов К.А.</b> - специалист по закупке товаров